УДК 8.08

ЧЎЛПОННИНГ ИЛМИЙ БИОГРАФИЯСИНИ ЯРАТИШ МАСАЛАСИГА ДОИР

Д.Ҳ. Қуронов, И.А. Мадғозиев

Мақолада Абдулҳамид Чўлпоннинг илмий биографиясини яратишнинг долзарблиги ва илмий зарурати асосланган, шу йўлда вилоят ва республика архивларда олиб борилган изланишларнинг илк натижалари тақдим этилган. Жумладан, Чўлпоннинг аждодлари ҳақидаги мавжуд маълумотларга аниқлик киритилган, унинг коммунистик партияга аъзолиги ва Мусбюро доирасидаги фаолияти ҳамда 1918–1919 йилларда Андижонда маориф соҳасида ишлагани билан боғлиқ ҳужжатлар илк бор илмий муомалага киритилган.

Калит сўзлар: *Чўлпон, биография, архив, ҳужжат, маориф, Мусбюро.*

В статье обоснована необходимость и актуальность создания научной биографии Абдулхамида Чулпана, представлены первичные результаты изыскательских работ, проведенных в областных и республиканском архивах. В частности, внесены уточнения в имеющиеся сведения о предках Чулпана; впервые введены в научный обиход документы о его деятельности в рамках Мусбюро в качестве члена компартии, а также о его работе в сфере народного образования в Андижане в 1918-1919 гг.

Ключевые слова: *Чулпан, биография, архив, документ, образование, Мусбюро.*

Устоз О.Шарафиддинов ошкоралик йиллари ўқувчиларга энди-энди қайтарила бошлаган шоирни тақдим этаркан: “Чўлпон ҳақидаги мулоҳазаларда ҳақиқатдан кўра ривоятга ўхшаб кетадиган муболағалар кўп”, - деб ёзган эди [1. Б. 49]. Қарангки, орадан ўттиз беш йил ўтса ҳам бу гап айни ҳақиқат бўлиб турибди, яъни Чўлпон ҳаёти ва ижодини ҳужжатли асосда ҳануз ёритолганимиз йўқ, ҳамон ўшандай “ривоятга ўхшаб кетадиган муболағалар кўп”. Академик Н.Каримов “Чўлпон” маърифий романида бундай ривоятларнинг бир қанчасини келтиради, уларга танқидий муносабатда бўлади, айримларининг асоси бўш эканини таъкидлаб ўтади. Бироқ олимнинг мулоҳазалари қанчалик ишонарли кўринмасин, ҳужжатли асоси бўлмагач, уларни ҳам айни ҳақиқат сифатида қабул қилиш қийин. Дарвоқе, асарнинг “роман” деб аталгани ҳам шундан, мулоҳазаларнинг илмий ҳақиқат эмаслигини, уларнинг кўп ҳолларда оғзаки хотиралар – бировларнинг шоир ҳақидаги нақллари, бошқача айтсак, ривоятларга таянишини таъкидлаш учундир, эҳтимол?! Хуллас, мавжуд ҳолат Чўлпоннинг илмий биографиясини яратиш масаласини долзарб этиб қўяди.

“Чўлпон” маърифий романида Чўлпон хонадони тарихи ҳақида Фоиқа Сулаймон қизи – шоирнинг синглиси хотираларига таяниб ҳам маълумот берилади. Фоиқа ая аждодларининг “Ўш вилоятига қарашли Ёркишлоқдан бўлиб, улар узоқ даврлар мобайнида боғбончилик билан шуғулланганлар” деб айтади. Давомида эса Фоиқа ая болалик пайтлари “Ёркишлоқда нимадир сабаб бўлиб жанжал-сурон кўтарилган. Бошқа қишлоқ аҳли қатори биз ҳам қувғинга учраб, қишлоқдан қочишга мажбур бўлганмиз. Адирга чиқиб, капа тикиб, деҳқончилик қилганмиз” деб эслайди. Н.Каримов шу ўринда “Кеча ва кундуз”даги “Нойиб тўранинг “ёнига аскар олиб”, қўзғолон кўтарган қишлоқларга чиқиши”ни, бу каби чиқишлар сабаб “ўнлаб Ёркишлоқлар култепаларга айлантирилган, ерли аҳоли эса

сувсиз адирларга қувилиб, асрлар давомида яшаган жойларидан бадарға қилингани”ни эслатади ва “Сулаймон баззознинг отаси Муҳаммад Юнуснинг ҳам ота юртини тарк этиб, Андижонга омад излаб келишининг сабаби шунда бўлса ажаб эмас” деган хулосага келади [2. Б. 9–10]. Бир қарашда жуда ишонарли талқин, шундай бўлиш эҳтимоли катта, асло инкор қилиб бўлмайди. Бироқ баён шундайки, Фоиқа ая хотирлаган воқеа Муҳаммад Юнуснинг Андижонга келиб қолиши сабаби ўлароқ тушунилади. Ҳолбуки, хотира айтувчи эс таниган вақт бўлса, воқеа тахминан 1912–1913 йилларга тўғри келиши керак, буни асло қабул қилиб бўлмайди. Чунки, Н.Каримов давом этиб ёзишича, Сулаймонқулга шаҳарга кўчилгач ота касби деҳқончиликдан кўра тижорат истиқболлироқ кўринади, яъни у шу вақтда савдогарликни бошлаган бўлиши керак. Ҳолбуки, бу вақтга келиб у шаҳарнинг кўзга кўринган савдогарларидан бирига айланиб улгурган (Асли, Сулаймонқул баззоз қай даражадаги савдогар бўлгани ҳақида ҳам турлича фикрлар бор. Айримлар уни ўртачагина савдогар деса, бошқалар чет эллар билан савдо қилган биринчи гильдия савдогари дейишади. Жумладан, собиқ қизил аскар Н.Олимов бир гал Сулаймонқул баззоз хонадони тинтув қилинганида 60 той газлама топиб мусодара қилинганини айтса [3. Б. 137], бошқа бир сафар 2 вагон газлама ҳақида хабар беради [4. Б. 10]. Хуллас, бу масала ҳам ҳужжатли асосда ёритилиши керак.) эди. Иккинчи томондан, агар Н.Каримов талқини қабул қилингудек бўлса, Чўлпон Андижонда эмас, Ёрқишлоқда туғилган бўлиб чиқади. Илгарироқ, 1991 йилда чоп қилинган рисоласида Н.Каримов Фоиқа аянинг юқоридаги хотирасидан келиб чиқиб, “Ёрқишлоқдан – ўз тупроғидан қувғин қилинган оила адирда, афтидан, бир-икки кузни – йиғим-терим фаслини ўтказгач, секинаста Андижон сари силжий бошлайди” [5. Б. 10] деган хулосага келган. Энг асосийси, бунда Муҳаммад Юнус оиласи эмас, унинг ўғли Сулаймонқул оиласи ҳақида гап боради. Яъни романдагидек “Муҳаммад Юнус оиласи” кўчган дейилиши “шаҳарга илгарироқ кўчилган, хотирланаётган воқеа қишлоққа бориб-келиб юрилган вақтларда содир бўлгандир” деган тахминга ўрин қолдиради, рисолада эса Чўлпон ва сингиллари Ёрқишлоқда туғилган деган фикр келиб чиқади. Бу эса, маълумки, ҳақиқатга тўғри келмайди. Шуни ҳис қилганидан бўлса керак, муаллиф романда мазкур ҳолни силлиқлашга ҳаракат қилган.

Фоиқа ая тилидан Ҳ.Болтабоев ёзиб олган хотирада “Андижоннинг Қатортерак кўчасида жойлашган ҳовлимиз анча катта, орқаси боғ бўлган. Бобомиз Юнус ота Ёрқишлоқдан (Булоқбоши тумани) Андижонга кўчиб келиб, шу жойларни боғ қилиб атрофига ўғилларига жой солиб берган экан” [6. Б. 18]. Эътибор беринг, аввал кўчирма келтирганимиз хотирадан Фоиқа ая болалигида “шу кўчиб келиш”да иштирок этгандек кўринганди. Бунда эса аниқ қилиб айтяптики, кўчиб келган ва ҳовли-жой ва боғ барпо этган бобоси Юнус ота экан. Юнус отанинг шаҳарга келиб қолиши тарихини Н.Каримов хотираларга таянган ҳолда бироз бошқача, лекин жуда ҳаётий ва ишонарли ёритиб берган. Унга кўра, Муҳаммад Юнуснинг онаси вафот этгач, жиянини ўгай она қўлига қолдиришни истамаган тоғаси Мулла Холмат Охунд уни Андижонга олиб келган ва Қатортерак маҳалласидаги ҳовлисида тарбият қилган [2. Б. 14]. Яъни бу талқинга кўра Муҳаммад Юнус оиласи билан кўчиб келган эмас, балки болалигида келтирилган ва шаҳарда ўсиб-улғайган, оила қурган.

Исмига “мулла” сўзининг қўшиб айтилишидан тоғасининг илмли одам бўлганини тахмин қилиш мумкин. Шундан туртки олиб, бир эҳтимолни ўртага ташлашга жазм этамиз. Маълумки, “охунд” сўзи мадрасада дарс берувчи мулла(мударрис)ларга нисбатан ишлатилган ва муайян даражани англатган. Тўғри, “охун” сўзи Андижонда кўпроқ “қашқарликлар”, уйғурларга нисбатан ишлатилади. Шунга қарамай, Мулла Холмат Охуннинг мударрислик қилган бўлиши эҳтимоли катта. Бундай дейишимизга сабаб, Чўлпоннинг қариндошлари каттабоболари Муҳаммад Юнус Охуннинг мударрислик ҳам қилганини айтадилар. Фикримизча, бу гап ҳақиқатга яқин. Чунки Мулла Холмат Охуннинг жияни ҳам ўзи каби илмли бўлишини, мударрис бўлиб етишишини истаган ва уни шу мақсадга мувофиқ тарбиялаган бўлиши

эҳтимолдан йироқ эмас. Шуни назарда тутиб олиб борилган изланишлар натижасида Андижон Эски шаҳаридаги Холбек қушбеги мадрасасида 1891–1892 йилларда дарс бериб турган мударрислар рўйхатида “Мулла Юнус охунд” қайд этилгани аниқланди [7. Б. 55]. Агар мулла Юнус Охунд тахминан XIX асрнинг 50-йилларида туғилгани эътиборга олинса, бу вақтда айни ақли тўлишган, қирқ-эллик ёшлар орасида бўлган чиқади. Яъни бу вақтда Муҳаммад Юнуснинг илми айни қаймоқ боғлаган, дарс беришга ҳар жиҳатдан тайёр бўлган бўлиши керак. Холбек қушбеги мадрасасига келсак, у 34 ҳужрали бўлиб, 1831 йилда барпо этилган, Андижон шаҳридаги энг катта мадрасалардан бири деб ҳисобланган. Мадрасада 130 нафар талабага 11 нафар мударрис дарс берган [8. Б. 137]. Яна бир эътиборни тортадиган нуқта шуки, мударрислар рўйхатда XIX аср сўнгги чорагида Андижонда катта нуфузга эга бўлган Отабек қози ҳам қайд этилган. Отабек қози эса фарзандларини рус-тузем мактабида ўқитган, улар янгича фикрлайдиган кишилар бўлиб етишган, жадид маърифатпарварлари қаторида фаолият юритишган. Демак, янгиликка мойиллик отанинг ўзида бўлган эканки, у фаолият олиб борган мадраса муҳитида ҳам озми-кўпми шундай руҳ-кайфият ҳукм сурган бўлиши табиий. Агар Сулаймонқул баззознинг ҳам жадидлар билан алоқада бўлгани, жумладан, “Садои Фарғона”нинг Андижондаги вакили бўлиб турганини ёдга олсак, Мулла Муҳаммад Юнус Чўлпон шахсияти шаклланган муҳитда салмоқли ўрин тутгани сезилади. Албатта, Чўлпон аждодларининг деҳқончилик, боғдорчилик ва баззозлик билан шуғулланган ҳақидаги, хусусан, Фоиқа аянинг бобоси Юнус ота “ҳам боғдорчилик, ҳам баззозликни касб қилган”и тўғрисидаги маълумотларга тўғри келмаётгандек кўриниши мумкин. Ҳақиқатда эса Муҳаммад Юнуснинг мударрислиги унинг боғдорчилик ё баззозлик билан шуғулланишига ҳеч ҳам ҳалақит бермайди. Бунинг устига, агар Чўлпоннинг аждодлари аксар эшонларга қўл берган сўфийлар бўлгани [9. Б. 9] ёдга олинса, ўзи аслида шундай, яъни “дил ба ёру даст ба кор” бўлмоғи кераклиги аён бўлади.

Албатта, бу айтганларимиз, юқорида таъкидланганидек, ҳозирча тахмин мақомида. Ҳали мударрислар рўйхатида қайд этилган “Мулла Юнус охунд” шахсини аниқлаш зарурлиги, бунинг Чўлпон илмий биографиясини яратишда муҳимлиги бор гап, ҳозирда бу борада изланишлар давом эттирилмоқда. Шунга қарамай, бу одам Чўлпоннинг бобоси эканлигига далолат қилувчи ҳолатлар, бизнингча, салмоқлироқдир.

“Чўлпон” маърифий романида “1923 йил 24 майда таниқли ўзбек маърифатпарварлари ҳақида тайёрланган махфий маълумот”, аниқроғи, унинг Чўлпонга тааллуқли банди келтирилади: “... 2. Абдулҳамид Сулаймон. Ёши 31 да. Маълумоти ўрта (ўқитувчи). “Турон” театри директори. Мусулмон аҳолиси ўртасида катта обрў-эътиборга эга КНО қатнашчиси, КПТ аъзолигидан чиқарилган, шўроиисломчи, миллатчи, Себзорда, Маҳсидўзлик (кўчаси)да яшайди” [2. Б. 191–192]. Кўриб турганимиздек, маълумотда Чўлпоннинг аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти (КНО) қатнашчиси экани ва Туркистон коммунистик партияси сафидан чиқарилгани таъкидлаб қайд этилмоқда. Албатта, бу бежиз эмас, зеро, булар – вазифаси шўро душманларини излаб топиш бўлган ташкилот учун энг муҳим нуқталар, улар алоҳида урғуланаётгани шундан. Н.Каримов бу маълумотга қатъий ишончсизлик билан қарайди. Унга кўра: “Чўлпоннинг ёши, партия аъзоси бўлганлиги ва ундан чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар 1937 йилдаги чекистларга хос уйдирмадан бошқа нарса эмас” [2. Б. 192]. Устознинг бундай баҳосида маълумотнинг ўзидан кўра уни тайёрлаган ташкилотга муносабатнинг залвори босиброқ кетган кўринади. Ҳолбуки, бизнингча, маълумотномада келтирилган фактларни бу қадар кескин инкор қилиш, уларни фақат “уйдирма” деб билиш унчалик тўғри эмас. Чунки мазкур фактларнинг тўғрилигини тасдиқлайдиган ёки ҳеч бўлмаса “тўғри бўлиши мумкин” деган андиша туғдирадиган фактлар ҳам мавжуд. Уларни тартиби билан кўриб чиқамиз.

1. Тўғри, бу ерда Чўлпоннинг ёши нотўғри кўрсатилган: модомики ҳозирда шоирнинг

таваллуд санасини 1897 йил деб олар эканмиз, у пайтда Чўлпон 26 ёшда бўлади. Шунга қарамай, ҳатто шу маълумотни ҳам мутлақ инкор қилиш учун, бизнингча, асослар етарли эмас. Сабаби, манбаларда Чўлпон таваллуд санасининг турлича, жумладан, 1893 йил деб ҳам кўрсатилишини ёдга олсак, хотиримизга "балки бу маълумотнинг юзага келишига ҳам қандайдир асос бордир" деган иштибоҳ келиши табиий. Чўлпон оқланганидан кейин то 1990 йилга қадар (яъни қарийб 30 йил давомида) эълон қилинган манбаларда унинг таваллуд санаси 1893 (баъзан эса 1894) деб кўрсатиб келинган. Табиийки, бунга қандайдир асос бўлган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Демак, токи шу эҳтимол ҳужжатли асосда бекор қилинмас экан, 1893 санаси ҳам яшашга ҳақли ва бу ҳолда 1923 йилда Чўлпон 31 ёшда дейилиши ҳақиқатга у қадар хилоф эмас.

2. Чўлпоннинг "шўроиисломчи" дейилгани ҳам асоссиз эмас. Гап шундаки, Чўлпон 1917 йил февраль инқилобидан кейин "юзага келган шароитда тарғибот ишларининг нечоғли муҳимлигини яхши билган. 1917 йил майидан адиб Андижонда "халқ бу муҳим замонларда хабарга сувсаганини эътиборга олиб, ҳам ҳозирги вақтда унга тўғри йўлни кўрсатишни осонлатмак учун" очилган қироатхона мудири бўлиб ишлаши ҳам шундан бўлса, эҳтимол" [10. Б. 271]. Андижоннинг Эски шаҳарида 1917 йил май ойидан иш бошлаган ушбу қироатхона "Шўрои ислом" жамияти томонидан ташкил қилинган эди. Кейинроқ тўлдирилган бир анкетанинг меҳнат фаолияти ёритиладиган бандида Чўлпоннинг "1917 йилда Андижон шаҳрида кутубхона мудири бўлгани" қайд этилган [11. Б. 86].

3. Маълумотномада қайд этилган Чўлпон "партия аъзоси бўлганлиги" факти ҳозирги кунда ҳаммага ҳам эриш туюлса ажабланарли эмас. Ахир, бутун умр мустамлакачиларга қарши кураш жабҳасида турган Чўлпон ҳақида қизил империя таянчи бўлмиш компартияга аъзо эди дейилиши ақлга сиғмайдигандек. Бироқ, маълумки, факт дегани ғоят ўжар нарса. Ҳужжатлар Чўлпон 1919 йилнинг 2 июнида Компартиянинг Андижон Эски шаҳар ташкилоти томонидан аъзоликка қабул қилинганига гувоҳлик беради [11. Б. 86]. Бизнингча, бу ўринда эътибор қилиниши зарур бўлган муҳим нуқта Чўлпоннинг фирқа аъзолигига Туркистон Компартияси таркибида Мусбюро ташкил қилингач (1919 йил март) ўтгани. Бу ҳол, бизнингча, унинг партияга кириши ижтимоий-сиёсий қарашлари (сиёсий эътиқоди) билан боғлиқ эмас деган тўхтам учун асос беради. Негаки, Мусбюро Туркистондаги маҳаллий халқлар манфаатларини кўзлаб фаолият юритадиган, жумладан, уларнинг маорифи, маданияти ва матбуоти билан шуғулланадиган ташкилот сифатида дунёга келган. Яъни Мусбюронинг кўзлаган мақсадлари ва фаолият йўналишлари Чўлпон ўсмир вақтидан дилига тукқан мақсадларга кўп жиҳатдан мувофиқ эди. Шуни ҳисобга олсак, Чўлпоннинг партияга кириши сабаблари ойдинлашгандай бўлади. Чўлпоннинг 1919–1920 йиллардаги фаолияти Мусбюро билан чамбарчас боғлиқ. Жумладан, унинг "Иштирокиюн" газетаси таҳририятида, Ўзбек билим ҳайъатида, "Турон" театрида ишлаши бевосита Мусбюро фаолияти доирасида амалга ошгандир. Чўлпон сингари иқтидорли, қалами ўткир ва, энг асосийси, фидойи кадрлар Мусбюро фаолиятини юритишда жуда зарур эди. Бундайлар эса кўп эмас, шу боис борларининг борки имконларидан тўла фойдаланишга ҳаракат қилинган. Қилаётган ишини миллат равнақи учун деб билган Чўлпон бор кучи ва салоҳиятини ишга солиб, ўзини аямай ишлаган. Унга турли вазифаларни юклаган ҳолда гоҳ Скобелев, гоҳ Қўқон, гоҳи Тошкент, гоҳ Бухорога сафарбар қилганлар. Архив ҳужжатлари орасида 1919 йил 1 ноябрда Тошкентдан Андижонга юборилган бир телеграмма сақланиб қолган. Унда қисқагина қилиб "Абдулхамид Сулайманов в Ташкенте на распоряжение Краймусбюро" дейилган, телеграммани шаҳар мусулмон бюроси раиси Содиқбоев имзолаган [12. Б. 295]. Биз телеграмма имлосини аслича бердик, аслида "на" ўрнида "в" ёки "по" предлогларидан бири қўлланган тўғри бўлур эди. Агар бу жумлада "в" предлоги қўлланса, мазмуни "Абдулҳамид Сулаймонов Тошкентда, Ўлка Мусулмон бюроси ихтиёрида"; агар "по" қўлланса, "Абдулҳамид Сулаймонов Ўлка Мусулмон бюроси топшириғи

билан Тошкентда” деган мазмун келиб чиқади. Иккала ҳолатда ҳам Чўлпон бирон-бир вазифа учун зарурлиги сабаб Тошкентда олиб қолинаётгани, бошлиқнинг эса бу ҳақда Андижонни огоҳлантириб қўяётгани кўринади. Бу эса Чўлпоннинг юқорида айтилганидек “ноёб кадр” эканини тасдиқлайди. Чўлпоннинг Мусбюро фаолиятида жонбозлик кўрсатиб, ўзини аямай ишлагани унинг Р.Шамсутдинов китобида келтирилган Ўлка Мусбюроси Президиумига ёзган аризасида ҳам яққол кўринади. Унда аризачи “партиянинг 4-ёпиқ съездидан бери уйида, Андижонда бўлмагани”, бунинг устига “бармоғи оғриганидан ёзолмай қолгани даволаниш учун эса 5-6 кун ёзмай туриши кераклиги”ни айтиб, “маоши сақланган ҳолда таътил беришлари”ни сўраган [13. Б. 53]. Чўлпоннинг фаолияти кўпроқ ёзиш билан боғлиқ кечгани эътиборга олинса, касал бўлиши маълум даражада касбий фаолияти билан, ўзини аямай ишлагани билан боғлиқ деб тахмин қилиш мумкин. Унинг иш билан бўлиб ҳатто уйига ҳам боролмагани эса фидойилигига далолат қилади.

4. Маълумотномадаги Чўлпоннинг “партия аъзолигидан чиқарилгани” факти ҳам ҳозирда турлича эътирозларни келтириб чиқариши муқаррар. Сабаби, 1937 йилги тергов материалларида Чўлпон “партиясиз” деб кўрсатилган. Ҳолбуки, агар ўз вақтида Чўлпон партиядан чиқарилган экан, бу нарса уни айблаш учун тайёр бир дастак бўлиб хизмат қилиши керак эди. Хўш, унда нега терговда ушбу факт эътибордан четда қолди? Ҳозирча биз буни фақат тахминлай оламиз, холос. Фикримизча, Чўлпоннинг компартия аъзоси сифатидаги фаолияти Мусбюро доирасидагина кечган, Мусбюро тугатилгач эса “ташкилот тугатилиши муносабати билан” у автоматик тарзда партиядан чиққан бўлиши мумкин. Чунки, агар унга конкрет айб қўйилиб, жазо тариқасида партиядан чиқарилган бўлганида, тергов жараёнида бу факт албатта юзага чиққан ва айблов учун қўшимча дастак қилиб олинган бўлур эди. Бироқ бу фикримиз ҳозирча фараз мақомида бўлиб, ҳужжатлар билан асослаш ё инкор қилишни тақозо этади.

Юқоридагилардан аён бўлдики, Чўлпон компартия аъзоси бўлган, бу – тарихий факт ва уни бор ҳолича қабул қилишимиз керак бўлади. Зеро, унинг компартияга аъзо бўлганлиги миллатпарварлигини, миллий озодлик учун толмас курашчи бўлганини инкор асло қилмайди. Яъни бу фактни Чўлпон таржимаи ҳолидаги “доғ” деб тушуниш ҳам, шоир биографиясини ундан тозалашга уриниш ҳам хатодир. Негаки, биринчидан, Чўлпон компартия аъзоси сифатида ҳам миллат тараққийси, озодлиги йўлида ҳаракат қилди, яъни фирқа унинг учун восита, мавжуд шароитда ҳаракат қилиш имконини, содир бўлаётган жараёнларга аралашиш имконини берадиган восита эди, холос. Иккинчидан, бу факт Чўлпон қолдирган бой меросни объектив талқин қилиш ва баҳолаш, унинг “Қизил байналминал”, “Шарқ нури” каби қатор шеърларини тўғри тушунишга замин бўлади. Зеро, “образли ифода ҳамиша талқинталаб бўлиб”, уни тушунишга асос бўлувчи контекст шу каби фактларга таяниб тасаввур қилинади [14. Б. 15].

20-йилларга оид айрим ҳужжатларда Чўлпоннинг касби “ўқитувчи” деб кўрсатилади. Бу бежиз эмас. Фаолиятини жадид маърифатчи сифатида бошлаган Чўлпон шўро замонида ҳам шунга содиқ қолди: турли муассасаларда дарс берганида ҳам, вақтли нашрлардаги иштирокида ҳам маърифат ёйиш – устозлик қилишни давом эттирди. Юқорида тилга олинган шахсий варақада Чўлпон 1918 йилда Андижонда ўқитувчилик билан машғул бўлгани қайд этилган [11. Б. 86].

Ҳужжатлар Чўлпоннинг ўқитувчилик қилиш билан бирга, Андижонда маориф ишларини ташкил қилиш ишида ҳам фаол иштирок этганига гувоҳлик беради. Жумладан, Андижон шаҳар Мусулмон маориф шўроси 1919 йил 5 июнда Халқ таълими бўлимига юборган хатни “бўлинма мудири ўрнига” деган қайд билан “коллегия аъзоси” А.Юнусов имзолаган [15. Б. 59]. Худди шу сана қайд этилган яна иккита ҳужжатда “А.Юнусов” имзоси бўлиб, уларда ҳам имзо “коллегия аъзоси”га тегишли экани кўринади. Бир ҳафта кейин Халқ таълими бўлимига юборилган хатда “А.Юнусов” имзосининг “мактаб ишлари мудири”га тегишли экани кўринади. Яъни имзо эгасининг хизмат

лавозимида кўтарилиш бўлиб, энди у хатга бўлинма мудиридан кейин иккинчи бўлиб имзо чеккан. Кейинроқ, 1919 йил иккинчи сентябрда Халқ таълими бўлимига юборилган хатда “мудир ва коллегия аъзоси Юнусовнинг Тошкентга кетиши муносабати билан 25 августдан унинг ўрнига 10-мусулмон мактаби ўқитувчиси А.Обидбеков олинган”и маълум қилинади [16. Б. 143]. Демак, Чўлпон то 1919 йилнинг август ойининг ўрталарига қадар Андижонда маориф соҳасида фаолият олиб борган. Унинг Тошкентга кетиши ҳам ўз ташаббуси билан бўлмай, чақиртириб олингани эҳтимоли кўпроққи, умид қиламиз, изланишлар давомида буни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам топилади. Дарвоқе, яна бир ҳужжат борки, у юқорида биз асос ўлароқ келтирган ҳужжатлардаги “А.Юнусов” имзоси шунчаки Чўлпоннинг отдош-фамилиядоши эмас, балки айнан ўзига тегишли эканини тасдиқлаши билан муҳим аҳамият касб этади. Гап Андижон Эски шаҳар Мусулмон ўқитувчилар союзи бошқарувининг 1919 йил 18 апрелда ўтказилган йиғилиши протоколи ҳақида бормоқда. Унга кўра, йиғилиш кун тартибига “Вилоят Халқ таълими комиссариатига делегат юбориш ҳақида”ги масала қўйилган. Йиғилиш протоколининг 4-бандида “ўртоқ Абдул Хамид Сулаймонович Юнусов Халқ таълими (комиссариати – муал.) да янги усулдаги мусулмон мактаблари борасида олиб борилаётган иш (сиёсат – муал.) лар ҳолати билан муфассал танишиш учун тегишли мандат берган ҳолда Скобелев шаҳрига вакил қилиб юборилсин” [16. Б. 53] дейилган.

Архив ҳужжатлари орасида Чўлпон дастхати билан рус тилида ёзилган бир хат сақланади. Бу хатни хизмат тақозоси билан Скобелев шаҳрида бўлиб турган Чўлпон Андижон Халқ таълими бўлими мудири Г.А.Максимов номига юборган. Қуйида хат матнини имлоси ва пунктуациясини аслича сақлаган ҳолда келтирамиз:

“Товарищ Максимов!

Здесь появились несколько детей из мусульманского детского приюта, которые недовольны обстановкой дел приюта. Они говорят, что надзиратели приюта Умархан Мирзаев и Исмаил Сафаров ссорились между собой и Мирзаев отказался служить ушел из приюта. Они говорят также, что учителя не приходили заниматься, а гимнастика была, только, один раз.

Здесь курсисты-учителя очень огорчаются.

Они просили меня об этом сообщить Вам и Алимову и просить, Вас, как скорее принять необходимые меры. О мерах, принятых Вами просим сообщить Нам. Дети находятся пока здесь.

Скобелев 1919 – 28/VI Юнусов” [16. Б. 109]

Кўриб турганимиздек, Чўлпон мусулмон болалар уйидаги ҳолат ҳақида куйиниб ёзмоқда, мутассади шахсдан масалани ўрганиб зарур чоралар кўриш ва кўрилган чоралар ҳақида хабар беришни сўрамоқда. Юмшоқ қилиб “сўраймиз” (“просим”) дейилгани контекстда “талаб қиламиз” дегандек мазмун касб этади. Юқорида Чўлпоннинг партия аъзолигига ўтгани Мусбюро таркибида маҳаллий халқ манфаатлари учун курашиш мақсади билан изоҳланади деганимизда, биз шунга ўхшаш ҳолатларни назарда тутдик. Талаб оҳанги, албатта, ўз таъсирини ўтказмай, самара бермай қолмайди. Орадан бир ҳафта ўтгач, 7 июлда Андижондан Скобелевдаги Вилоят Турк ўқитувчилар курсига гражданин Юнусов номига қуйидаги хат юборилади:

“Настоящим сообщаем, что копии Вашего отношения, относительно детей мусульманского приюта, посланы в Комиссию по борьбе с голодом и в отдел социального обеспеченья по принадлежности” [16. Б. 127].

Албатта, бу ерда Халқ таълими бўлими шунчаки бошоғриқ муаммони ўзидан соқит қилаётгандек кўриниши ҳам мумкин. Бироқ факт шуки, Чўлпоннинг мусулмон сағирлар тақдирига бефарқ бўлмагани сабаб мутасаддилар ҳаракатга келяпти, муаммони ҳал қилишга Очарчиликка қарши кураш комиссияси ва ижтимоий таъминот бўлими жалб этилмоқда. Ишнинг қандай якун топгани ҳақида бизда маълумот йўқ, лекин унинг боришини Чўлпон назоратда тутган деб ўйлаганимиз учун ижобий ҳал қилинганига ишонгимиз келади.

Юқорида келтирилган ҳужжатлар ва улар асосида билдирилган мулоҳазалар

Чўлпон ҳаёти ва фаолиятини илмий асосда ёритиш, унинг илмий биографиясини яратиш имконияти мавжудлигини кўрсатади. Бунинг учун вилоятлар ва марказдаги архив фондларида сабот билан изланиш, минглаб ҳужжатлар орасидан кераклисини топгунга қадар сабр билан йиллар чангини ютиш керак бўлади. Табиийки, бу иш янги-янги кучларни жалб этишни тақозо этадики, моддий манфаатдорлик томонини ҳал этмай туриб бунинг иложи йўқ. Ушбу мақолада тақдим этилган ҳужжатлар эса Инновация вазирлигининг А-ОТ-2021-57 рақамли “Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси манбаларининг электрон платформаси ва мобиль иловасини яратиш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасидаги изланишлар натижасида топилди ва илмий муомалага киритилаётир.

Адабиётлар:

1. *Шарафиддинов О.* Ижод йўли. // Ёшлик, 1987. – № 10. – Б. 49.
2. *Каримов Н.* Чўлпон. Маърифий роман. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 464 б.
3. Воспоминания участников гражданской войны в Андижанской области. Выпуск 1. Андижан, 1957. – 160 с.
4. Ватан тонгида. Жанговар хотиралар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1965. – 228 б.
5. *Каримов Н.* Чўлпон. – Тошкент: Фан, 1991. – 83 б.
6. *Сулаймон қизи Фоиқа.* Чўлпон акамни хотирлаб... / Хотираларга тартиб берувчи: Ҳ.Болтабоев // Фан ва турмуш, 1997. – № 2. – Б. 18-19.
7. Ўзбекистон Миллий архиви. И-47-фонд, 1-рўйхат, 128-рақамли иш, 55-бет.
8. *Алимов И.* Қўқон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи. – Тошкент: Фан, 2017. – 304 б.
9. *Болтабоев Ҳ.* Чўлпон шажараси / “Чўлпон: ҳаёти ва ижодий мероси” республика илмий-амалий анжумани материаллари (Андижон, 2000 йил, 2-3 июнь). Андижон: 2000. – Б. 9–10.
10. *Қуронов Д.* Истиқлол дарди. Чўлпоннинг ижтимоий сиёсий қарашлари тадрижи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – 336 б.
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти админстрацияси архиви Фарғона вилоят филиали. 1-фонд, 1-рўйхат, 211-рақамли иш, 86–бет.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти админстрацияси архиви Фарғона вилоят филиали. 1-фонд, 1-рўйхат, 107-рақамли иш, 295–бет.
13. Шамсутдинов Р. Қатағон қилинган юртдошларни хотирлаб. – Тошкент: Akademnashr, 2018. – 304 б.
14. *Қуронов Д.* Талқин имконлари. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015. – 88 б.
15. Андижон вилоят давлат архиви (АВДА), 128-фонд, 2-руйхат, 11-рақамли иш, 59-бет.
16. АВДА. 128-фонд, 1-рўйхат, 16-рақамли иш, 53-б, 109, 127, 143-бетлар.

CREATION OF SCIENTIFIC BIOGRAPHY OF CHULPON ON THE ISSUE

D.H. Kuronov[1], I.A. Madgaziev[2]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2021. 5 *(57). 77-85.*

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

[2]State Museum of History and Culture of Andijan Region, Andijan, 170100, str. A.Fitrat, 259 (Uzbekistan). E-mail: andmuzey@mail.uz

Keywords: Chulpon, biography, archive, document, education, Musbyuro.

Articles about the relatively short life and complex creative path of the great poet and writer Abdulhamid Sulaymon ogli Chulpon, a great representative of the Uzbek literature of the national revival period, have been published in the press since the early 80s of the last century. It is no exaggeration to say that a whole generation of scholars who have studied the poet's work in depth and consistently has been formed since then. However, at the same time, there is another important aspect, a complex and delicate issue as the creation of a perfect scientific biography of the poet has not yet been solved.

It is no exaggeration to say that this article is one of the most important steps in the creation of the above-mentioned scientific biography of the poet Chulpon, as it covers the archival documents and information that have recently been identified and described and analyzed for the first time. It is based on the relevance and scientific necessity of creating a scientific biography of Abdulhamid Chulpon, which presents the first results of research conducted in the regional and national archives. In particular, Chulpon's ancestors, his grandfather Mulla Muhammad Yunus Akhund's teacher at the Kholbek Kushbegi madrasah and his father Sulaymonqul Bazzoz's trade activities were clarified, documents on his work in the field of education in the cities of Andijan and Ferghana were first put into scientific circulation.

The article reflects the unique archival materials, in particular, the activities of Abdulhamid Chulpon and his ancestors, identified as a result of research conducted in the funds of the Ferghana regional branch of the State Archive of Andijan region, the National Archive of the Republic of Uzbekistan, the archives of the Presidential Administration of the Republic of Uzbekistan various correspondences, minutes of meetings, orders, references, etc. were first scientifically used in comparison with existing memories and recollections. As a result, much of the information received orally was documented with clarity, or a critical response was made to facts that were not sufficiently substantiated.

The documents described in this article and the opinions expressed on their basis show that there is an opportunity to cover the life and work of Chulpon on a scientific basis, to create a scientific biography of him.

References:

1. Sharafiddinov, O. (1987) *Ijod yo'li* [The path of creation]. *Yoshlik*. No10. Pp. 49.

2. Karimov, N. (2003) *Cho'lpon* [Chulpon]. Tashkent: Shark.

3. *Vospominaniya uchastnikov grajdanskoy voyni v Andijanskoy oblasti. Vipusk 1.* (1957) [Memoirs of participants in the civil war in the Andijan region]. Issue 1.

4. *Vatan tongida. Jangovar xotiralar* (1965) [Homeland dawn. Battle memories]. Tashkent: Yosh gvardiya.

5. Karimov, N. (1991) *Cho'lpon* [Chulpon]. Tashkent: Fan.

6. Sulaymon qizi Foiqa. *Cho'lpon akamni xotirlab...* / Xotiralarga tartib beruvchi: H.Boltaboyev (1997) [Remembering my brother Chulpon ... / Editor of memoirs: H.Boltaboev]. *Fan va turmush*. No 2. Pp 18-19.

7. O'zbekiston Milliy arxivi [National Archive of Uzbekistan] Fund-I-47, List-1, Folding Volume -128, Pp. 55.

8. Alimov, I. (2017) *Qo'qon xonligi madrasa va maktablari tarixi* [History of madrasahs and schools of Kokand khanate]. Tashkent: Fan.

9. Boltaboyev, H. (2000) *Cho'lpon shajarasi* [Chulpon's family tree] / "Cho'lpon: hayoti va ijodiy merosi" respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari (Andijon, 2000 yil, 2-3 iyun) [Proceedings of the Republican

scientific-practical conference “Chulpon: life and creative heritage” (Andijan, June 2-3, 2000)].

10. Kuronov, D. (2001) *Istiqlol dardi. Chŷlponning ijtimoiy siyosiy qarashlari tadriji* [Thinking of independence. History of Chulpon’s social-political views)]. Tashkent: Yangi asr ablodi

11. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti adminstrasiyasi arxivi Farg‘ona viloyat filiali [Archive of the Presidential Administration of the Republic of Uzbekistan Fergana regional branch]. Fund-1, List-1, Folding Volume-211, Pp. 86.

12. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti adminstrasiyasi arxivi Farg‘ona viloyat filiali [Archive of the Presidential Administration of the Republic of Uzbekistan Fergana regional branch]. Fund-1, List-1, Folding Volume-107, Pp. 295.

13. Shamsutdinov, R. (2018) *Qatag‘on qilingan yurtdoshlarni xotirlab* [In memory of the oppressed]. Tashkent: Akademnashr.

14. Kuronov, D. (2015) *Talqin imkonlari* [Interpretation possibilities]. Tashkent: Turon zamin ziyo.

15. Andijon viloyat davlat arxivi (ABDA) [Andijan Regional state archive (ARSA)]. Fund-128, List-2, Folding Volume -11, Pp. 59.

16. ARSA. Fund-128, List-1, Folding Volume -16, Pp. 53, 109, 127, 143.

Муаллифлар ҳақида маълумот:

ҚУРОНОВ Дилмурод Ҳайдаралиевич – филология фанлари доктори, Андижон давлат университети Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси профессори. E-mail: kuronov@rambler.ru

МАДҒОЗИЕВ Искандаршоҳ Абдувосит ўғли – Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи катта илмий ходими. E-mail: madgaziev93@mail.ru